



ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 3 июнь ● сешанба ● № 25 (584) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

Тизим тадбирлари

ЖУРНАЛИСТЛАР КЕНГАШДИ

Хуқуқий маданиятнинг шаклланиши жамият аъзоларининг амалдаги қонунларга қатъий итоат этишдан, қонунлар устуворлиги таъминланишдан бошланади.

Жамият аъзоларининг хуқуқий маданиятини юксалтиришда эса оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Адлия вазирлиги ва Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси Термиз шҳрида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказган семинар ана шу мавзуга бағишланди.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи А.Тошқулловнинг баён қилишича, ўтган йили бошқарма ходимларининг ташаббуси билан хуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган 2489 та тадбир амалга оширилган. Бу тадбирларда 54119 нафар тингловчи иштирок этган. Хуқуқий тарғиботчилар 648 марта ОАВда чиқишлар қилишган. Бундай тадбирлар 2008 йилда ҳам режа асосида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Аммо бу тадбирларнинг самараси таҳлил қилинганда эришилётган натижалар талаб даражасида эмаслиги маълум бўлади.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати катта маслаҳатчиси Т.Тураев хуқуқий маданият барқарорлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари Президентимиз талаб этаётган даражада фидокорлик билан фаолият кўрсатмаётганини таъкидлади.

Семинарда ОАВ ходимлари билан хуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорликни янада самарали йўлга қўйиш ҳақида келишиб олдилар.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
"Инсон ва қонун" мухбири

РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ҲИСОБГА ҚЎЙИШ

Андижон вилояти адлия бошқармаси Савдо-саноат палатасида Президентимизнинг 2006 йил 24 майдиги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда Қарор ижроси юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, шунингдек, вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ижобий ишлар, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш чоралари ҳақида сўз юритилди.

Давра суҳбати савол-жавобларга бой тарзда ўтганлиги сабабли қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

Камолитдин ЖАЛОЛИДИНОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими

ТАРҒИБОТДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишдек масъулиятли бир даврда аҳолининг хуқуқий онги, билим ва маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Зарафшон шҳридаги тиббиёт коллежида Суд департаментининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан суд ижрочилари, педагогик жамоа ҳамда талаба ёшлар иштирокида ўтказилган семинар йиғилиши "Жамиятда хуқуқий онги юксалтириш" мавзуга бағишланди.

Семинарда сўз олган ҳар бир иштирокчи кучли хуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлар, қонун устуворлигини таъминлашда барча масъул ва бундан, албатта, манфаатдор эканлиги тўғрисида батафсил фикр билдирдилар.

Мазкур доирадаги семинар йиғилишлари вилоятнинг барча ҳудудларида мунтазам ўтказилиши кўзда тутилган.

Икромжон ИСАЕВ,
Суд департаменти Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси масъул ходими

Дикқат, танлов! "АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА"

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида мазмундор ва сифатли ёритилишига эришиш мақсадида

"АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА" кўрик-танлови ўтказилади.

Танловга иштирокчилар томонидан тақдим этилган 2008 йилнинг 1 июнидан 1 декабригача бўлган даврда газета, журнал, интернет нашрларида эълон қилинган ўзбек, рус ёхуд қорақалпоқ тилидаги мақолалар, телевидение ва радиода эфирга узатирилган материаллар ёзилган аудиокассеталар қабул қилинади.

Тақдим қилинган материаллар куйидаги мезонларга кўра танланади.

а) ёритилган масаланинг ижтимоий-хуқуқий аҳамиятини ошмиш даражаси ва унинг мазмуни;
б) материалнинг мавзуга доирлиги ва тушунарли берилиши;

в) материалнинг ҳозирбодор ва ўзига хос берилиши;

г) суд-хуқуқ тизимидаги ислохотларнинг аҳамияти кенгрок очиб берилганлиги;

д) Адлия вазирлиги тизими таркибига кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаси таҳлили;

е) қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг моҳияти ва мақсадларини халқчил тилда етказиш.

Кўрик-танлов голиблари куйидаги номинациялар бўйича тақдирланади.
1. "Энг яхши телелавҳа"
2. "Энг яхши радиоэшитириш"
3. "Энг яхши мақола"
4. "Энг яхши интернет материали"
Голибларни ушбу совринлар купюкда:
1. 3 та биринчи ўрин учун — рангли телевизор.
2. 3 та иккинчи ўрин учун — диктофон.
3. 3 та учинчи ўрин учун — DVD магниттофон.
4. 1 та энг яхши интернет материали учун — фотоаппарат.

Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловда иштирок этиш учун материаллар 2008 йилнинг 1 декабригача қабул қилинади.
Кўшимча маълумотлар учун телефон:
(998-71) 233-39-84,
Факс: (998-71) 233-39-84
E-mail: press@miniust.gov.uz

БУЮК КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ

1993 йил 3 декабрь

Вазирлар Маҳкамасининг "Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

1997 йил 31 декабрь

Вазирлар Маҳкамасининг "SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори кучга кирди.

2000 йил 18 май

Вазирлар Маҳкамасининг "Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Гаага конвенциясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори кучга кирди.

2002 йил 24 октябрь

Президентимизнинг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

2008 йил 8 январь

"Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун кучга кирди.



● Жаҳон эътироф этади

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР МУНОСИБ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони хорижий давлатлар, сиёсий, эксперт-таҳлилий, дипломатия доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон

томонидан мамлакатни янада демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда республикамизда инсон хуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари билан шугullanувчи муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштириш борасида ташланган яна бир муҳим қадам сифатида эътироф этилмоқда.



Мамлакатимизда вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг хуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашнинг хуқуқий кафолатлари яратилган. Бола хуқуқлари бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар ва ЮНЕСКО билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан олиб борилаётган кенг қамровли фаолиятни ҳеч бир муболагасиз олий эзгулик деб аташ мумкин.

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Конституциямизнинг "Оила" бобида вояга етмаганларнинг хуқуқ ва эркинликлари аниқ ва қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Жумладан, мазкур бобнинг 64-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттувларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдилар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради. Ушбу моддада вояга етмаганларга нафақат унинг оиласи, балки жамият ва давлат ҳам гамхўрлик қилаётганини кўришимиз мумкин.

Амалдаги қонунларимизда вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси катта эътибор қаратилган. Оила кодексининг 90-модда, 4-бандига асосан "Вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш хуқуқига эга". Боланинг шахсий мулкый муносабатида турли хил қимматбаҳо нарса-

лар, масалан, уй, корхоналар, пул, ер участкалари ва бошқа шу каби мулклар бўлиши мумкин. Бу мулкдан келаётган даромадлар, шубҳасиз, болага тегишли ҳисобланади. Мулкдан фойдаланиш (харажат қилиш, сарфлаш) васийлик ва хомийлик органларининг (ота-онанинг) руҳсати асосида ва даромаддан қай тарзда фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатмаларига биноан сарф қилинади. Боланинг шахсий мулкый манфаатларини муҳофаза қилиш, ота ёки онанинг ўз хуқуқларини суиистеъмол қилиши каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ота-она, васий ва бошқа қавм-қариндошлар томонидан боланинг ўзи билан битим тузишлари ёки суд жараёнида уни вакил қилишларига йўл қўйилмайди.

Юрида келтирилган вояга етмаганларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий хуқуқларининг ҳимояси қаратилган амалдаги қонун ҳужжатлари бола оила, жамият кучида эркин ва бахтиёр яшаш учун кафолатдир.

Адхам ШОЙЖИГИТОВ,
ТДЮИ магистранти

● Тошкент шахрининг 2200 йиллиги олдида

Кўҳна ва ҳамisha навқирон Тошкент оstonасида жойлашган Туябўғиз сув омбори "Тошкент денгизи" деб аталishi бежиз эмас. Унинг мовий уммондек мавжланган сокин тўлқинлари кўзга кўрининг кўзини қувонтириб, баҳри дилини очади.

"ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ"

улкан ва ўзига хос гидротехник иншоотдир

яъни, Туябўғиз сув омбори 1962 йили Охангарон дарёсининг ўрта оқимида барпо этилган гидротехника иншооти. Умумий ҳажми 250 миллион метр куб, фойдали ҳажми 221 миллион метр кубни ташкил этиб, дарё сувини мавсумий тартибда солади. Сув юзаси майдони 20 километр кв., ўртача чуқурлиги 12,5 метр. Муволағасиз, мазкур ҳажм кўрсаткичи унинг денгиз деб номланишини оклайди. Туябўғиз сув омбори Тошкент вилоятининг

Бўка, Оққўрғон, Ўртачирчик, Қуйичирчик туманларида суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилашга имкон беради. Шунингдек, мўътадил иқлим барқарорлигини сақлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. "Тошкент денгизи" устида замонавий кўринишдаги кенг ва чиройли кўприк қад ростлаган. Ундан Тошкент — Бекобод автомобиль йўли ўтади. Трасса бўйлаб кетган сув сатҳида кишин-ёзин ғўжгон ўйнаган оппоқ чағалайлари, сузиб юрган ёввойи ўрдақларни

кўриш мумкин. Бу мўъжазига денгиз манзарасига янада кўрк бағишлайди. Тошкент денгизи атрофида барча қулайликларга эга дам олиш зоналари ташкил этилган. Айниқса, ёзнинг жазираси кунларида тошкентликларнинг сеvimли маскани бўлган пойтахтимиз денгизи тобора юртимизнинг сўлим гўшаларидан бирига айланиб бормоқда.

Фарида ҚОРАКУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири



"Тошкент денгизи"нинг шимоли-ғарбий қирғоғи яқинида Ўртабоз деган жойда жойлашган Туябўғиз тепалиқлари тарихи милоддан аввалги V-VIII асрларга бориб тақаллади, бу жонажон пойтахтимиз тарихининг жуда қадимийлигидан далolat беради.

"Тошкент денгизи",

● Жаҳон эътироф этади

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Хитойнинг "Жэньминь жибао" он-лайн нашри, Буюк Британиянинг "Би-Би-Си мониторинг" агентлиги ҳамда "The Times of Central Asia" газетаси Ўзбекистон Республикаси Президенти "Инсон ҳуқуқлари умум-

ган ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин. Шу ўринда бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бири — фуқароларнинг уруш ва ҳарбий можароларсиз яшаш ҳуқуқини таъминлаш борасида Ўзбекистон раҳбариятининг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Бу — мамла-

илк йилларидаёқ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча асосий ҳалқаро ҳужжатларни имзолаш орқали намойиш этган эди".
Шунингдек, Д.Краа Президент Ислоом Каримов ўз Фармонида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари борасидаги вазиятга тўхталиб, у ривожланиб бораётган ва давом

ва нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки демократияни юксалтириш, хусусан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ислохотларга шахсан гувоҳ бўлган.
— Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг имзоланган илк халқаро шартномала-

қаратиб, 2008 йилда кучга кирган ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонун бунинг ёрқин мисоли бўлишини таъкидлади.
— Ўзбекистон раҳбариятининг суд мустақиллигини таъминлаш, давлат айблови ва адвокат ҳимояси учун тенг ҳуқуқлар яратиб бериш борасидаги чора-тадбирларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва маъқуллаш лозим. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса жиноят-процессуал тизимини демократлаштиришда жуда муҳим қадам бўлди, — деди Шин Ил-хи.

Олимнинг фикрича, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти каби миллий тузилмаларнинг фаолияти Ўзбекистонда жамиятнинг демократик устуларини мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини кучайтишга имкон берадир.

Шин Ил-хи Президент Ислоом Каримовнинг Фармонида юқори баҳолаган ҳолда, у тўғридан-тўғри амал қилганидан ҳужжат бўлиб, БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг инсон ҳуқуқлари кўни муносабати билан йўллаган мактубига жавоб сифатида қабул қилинганга эътибор қаратди. Унинг фикрича, Фармон мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган аниқ чора-тадбирлар дастурларини рўйбга чиқариш бўйича кенг ваколатларга эга бўлган махсус комиссия тузиш, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси махсус жамғармасига Ўзбекистоннинг иштиёри бадал маблағи ажратишини назарда тутгани билан аҳамиятлидир.

Туркиянинг "Еуроосиё" ёзувчилар уюшмаси раиси Ёқуб Делиумарўглининг баён этишича, — "Президент Ислоом Каримовнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаб имзолаган Фармони Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш доирасида изчил ислохотларни амалга ошираётганидан далолатдир. Ҳужжатда акс эттирилган тадбирлар республика маънавиятининг бу муҳим соҳадаги фаолиятини жадаллаштиришга хизмат қилади. Давлат раҳбарининг мазкур қарори Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида навбатдаги муҳим ва аниқ қадам бўлди".

Киргизистонлик сиёсатшунос Н.Омаров Ўзбекистонда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ фойдаланиши учун барча зарур чоралар қўрилаётганига эътибор қаратди.

— Ўзбекистонда демократия ва инсон ҳуқуқлари нафақат қонунлар, балки халқнинг ўзлиги, унинг маънавий ва ахлоқий таърибига ҳам асосланади. Ўзбекистонда маҳалла деб аталувчи тарихан шаклланиб келган ва ҳуқуқни жамоавий тарзда ҳимоя қилиш механизми мавжуд бўлиб, Фарб давлатларида бу нарса кузатилмади. Халқнинг маданий-маиший аъёнларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, фуқаролик жамиятининг ушбу ўзига хос институти зарур бўлганда инсонларга моддий ёрдам кўрсатади, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этади. Маҳалланинг ижобий таърибиса ва унинг Ўзбекистон ижтимоий таърибига ўзига хос тарихий давлатлар учун ҳам эътиборли бўлиб, бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблайман — дейди у.

● Шу сонга хабар

КИТОБ ВА ЖУРНАЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Эртага Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонига асосан ташкил қилинган инсон ҳуқуқлари оид китоб ва журналлар кўргазмаси бошланади.

Адлия вазирлиги ташкилотчилигида маҳаллий ҳокимият органлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирилик, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий идоралари билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу сайёр кўргазма учун шарт-шароитлар яратилиб, махсус жой ва зарур ускуналар тайёрланди. Тадбир тафсилотлари эса ОАВда кенг

ёритилиши режалаштирилган. Шу билан бирга кўргазмалар жараёнида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ҳам кўзда тутилган.

1948 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муҳим аҳамияти ҳамда амалдаги қонунларимизнинг мазкур декларацияга уйғун жиҳатларини кенг тушунириш аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади. Шу мақсадда барча туман ва шаҳарларда, таълим муассасаларида ҳам мазкур тадбирлар белгиланган режа асосида ўтказилди.

Сайёр кўргазмалар мамлакатимиз бўйлаб шу йилнинг 26 июнигача давом этади ва йил охирига қадар Тошкент давлат юридик институти Марказий кутубхонасида кўним топади.



Республика ҳудудларида инсон ҳуқуқларига оид китоб ва журналлар сайёр кўргазмалари тадбирларини ўтказиш

ТАРТИБИ

№	Кўргазма уюштирилган манзил	Кўргазманинг ўтказилиш вақти	Кўргазма ташкил этиладиган жой
1.	Тошкент шаҳри	5 - 6 июнь 10.00 - 17.00	Тошкент давлат юридик институтининг кутубхонаси, Саййитхон кўчаси, 35
2.	Тошкент шаҳри	09 - 14 июнь 10.00 - 17.00	А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Хоразм кўчаси, 51
3.	Нукус шаҳри	9 июнь 10.00 - 17.00 10 июнь 10.00 - 14.00	Қорақалпоқ давлат университетидаги кўргазма зали Абдиқўри кўчаси, 1
4.	Урганч шаҳри	11 июнь 10.00 - 17.00	Вилоят ахборот кутубхона маркази биноси, А.Қодирий кўчаси, 2-й
5.	Бухоро шаҳри	12 июнь 10.00 - 17.00	Абу Али ибн Сино номидаги виллоят ахборот кутубхона маркази биноси Академик Мўминов кўчаси, 6
6.	Навоий шаҳри	13 июнь 10.00 - 17.00	Фарҳод маданият саройи, Халқлар дўстлиги, 20
7.	Самарқанд шаҳри	14 июнь 10.00 - 17.00 15 июнь 10.00 - 14.00	Самарқанд шаҳар Бахт уйи биноси, М.Улуғбек кўчаси
8.	Қарши шаҳри	16 июнь 10.00 - 17.00	Саидо Насафий номидаги виллоят ахборот кутубхона маркази биноси, Мустақиллик шох кўчаси, 21
9.	Термиз шаҳри	17 июнь 10.00 - 17.00	Вилоят тадбиркорлар палатаси биноси, Акмал Икромов кўчаси
10.	Жиззах шаҳри	19 июнь 10.00 - 17.00	Жиззах давлат педагогика институти биноси — Маънавият тарғибот саройи, Шараф Рашидов кўчаси, 4
11.	Гулистон шаҳри	20 июнь 10.00 - 17.00	Вилоят ахборот кутубхона маркази биноси, Ўзбекистон шох кўчаси, 8
12.	Наманган шаҳри	23 июнь 10.00 - 17.00	Вилоят ахборот кутубхона маркази биноси, Н.Намангоний кўчаси, 24
13.	Фарғона шаҳри	24 июнь 10.00 - 17.00	Вилоят ахборот кутубхона маркази биноси, Маърифат кўчаси, 31 "а" уй
14.	Андижон шаҳри	25 июнь 10.00 - 17.00	Вилоят ахборот кутубхона маркази биноси, Фитрат кўчаси, 232
15.	Тошкент шаҳри	26 июнь - 31 декабрь	Тошкент давлат юридик институтининг кутубхонаси, Саййитхон кўчаси, 35

Жаҳон АА

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР МУНОСИБ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

жаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонини тасдиқлаганига оид хабарларни эътибор қилинган.

"Жэньминь жибао" он-лайн мақоласида, жумладан, шундай дейилади: "Дастур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакилларининг халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилинишини назарда тутди.

Айни пайтга қадар Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги 60 та асосий ҳужжатга қўшилган ва БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 6 та муҳим халқаро шартноманинг қатнашчисига айланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг бандлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаётган миллий қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топган", — дея қайд этади Хитой электрон нашри.

Марказий Осие бўйича Кембридж форуми раиси, Британиянинг Марказий ва Ички Осие бўйича қўмитаси фахрий қотиби, доктор Синдхарт Саксенанинг таъкидлашича, Марказий Осие давлатлари ўтган асрнинг 90-йиллигига қадар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси берадиган афзалликлардан фойдаланиш имкониятига эга эмас эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Президент Ислоом Каримов ташаббуси билан декларациянинг тамойиллари миллий қонунчиликда ўз аксини топиб, бир қатор дастур ва лойиҳалар орқали ҳаётга таъбиқ этила бошланди.

Британиялик олимнинг фикрича, жаҳондаги қатор давлат раҳбарлари томонидан бу йўналишда қабул қилинган ҳужжатлар номини бўлган. "Бирок Ўзбекистондаги дастурларни ижтимоий таъминот механизми асосида баҳоладиган бўлса, улар ҳар томонлама муқамал асосга эга эканига ишонч ҳосил қиламиз, — дейди С.Саксена. — Масалан, "Соғлом авлод учун", "Ёшлар йили" дастурларида, шунингдек, ижтимоий ҳимоя бўйича қонунчиликни мустаҳкамлашда кўп томонлама ёндошув кузатилаётган. Буларнинг барчаси жамиятда умумэътироф этилган тамойилларни қарор топтириш борасида кучли таъриб мавжудлигини далолат беради. Шу маънода Президентнинг мазкур Фармони нафақат фойдали, балки жуда пухта ўйлан-

кат раҳбарияти ва халқнинг ҳеч шубҳасиз улкан ютуғидир".

"Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияни қўллаб-қувватлаш жамияти" ижрочи директори, доктор Детлеф Краанинг (ГФР) айти-

этадиган узлуқсиз жараён эканига ҳам эътибор қаратади.

Германиялик экспертнинг айтишича, 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосини бекор қилиш орқали Ўзбекистон белгиланган режаларни ҳаётга муносиб ра-

ридан бири Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлгани бежиз эмас, албатта. Айнан мана шу ҳужжат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мамлакат Конституциясида ўз ифодасини топиши учун мустаҳкам



шича, Фармон Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича қатъий иродасини намойиш этмоқда.

"Тадбирлар режаси мамлакат раҳбарияти даражасида қабул қилинган, айниса, эътиборга молик, — дейди Детлеф Краа. — Бу — Президент Ислоом Каримовнинг инсон ҳуқуқларига бўлган жиддий эътиборидан далолат беради.

Фармон орқали Ўзбекистон томони Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини тўла қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқламоқда. Аслида республика бу каби интилишларни истиқлолнинг

вишида таъбиқ этиш ниятида эканини яққол исботлаб берди. Ўзбекистон давлати бу борада қатъий иродасини намойиш этиб, ханузгача ўлим жазосини бекор қилишга ҳаракат ҳам қилмаётган АҚШнинг қатор шатларидан илдамлаб кетганини кўрсатди. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ўз навбатида суд тизими эркинлигини янада мустаҳкамлашга катта туртки бериши мумкин.

Корея Республикаси парламенти депутаты, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси собик раиси Ким Ёнг-гунинг сўзларига кўра, Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан буён у мамлакатимизда бир неча бор бўлган

асос бўлиб хизмат қилган эди, — деди Ким Ёнг-гу. — Президент Ислоом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳар йил аниқ бир ижтимоий дастурни амалга оширишга бағишлаш яқши аъёнага айланган қолган. Оналар ва болалар, оила, хотин-қизлар ёки ёшларга бағишланаётган ушбу дастурлар бу қатламларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш учун қўшимча имкониятлар яратмоқда. Бундай амалиёт алоҳида эътибор ва олқишга сазовордир.

Кореялик таниқли олим Шин Ил-хи Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш изчил амалга оширилаётганига эътибор

лланган ва ҳуқуқни жамоавий тарзда ҳимоя қилиш механизми мавжуд бўлиб, Фарб давлатларида бу нарса кузатилмади. Халқнинг маданий-маиший аъёнларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, фуқаролик жамиятининг ушбу ўзига хос институти зарур бўлганда инсонларга моддий ёрдам кўрсатади, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этади. Маҳалланинг ижобий таърибиса ва унинг Ўзбекистон ижтимоий таърибига ўзига хос тарихий давлатлар учун ҳам эътиборли бўлиб, бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблайман — дейди у.

Женева шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси (ИХОКБ) биносида Ўзбекистон Республикасининг БМТ бўлинималари ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузурдаги доний ваколатхонаси томонидан ташкил этилган брифинг бўлиб ўтди.

Унда БМТ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар масаласи қўмитаси аъзолари ва Марказий Осие минтақаси бўйича иш олиб борувчи ҳамда БМТ Кенгашининг инсон ҳуқуқлари ва халқаро конвенцион органлар бўйича махсус қоидалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи барча ИХОКБ тузилмалари раҳбар ва ходимлари иштирок этди.
Тадбирда Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги жорий йил 1 майдаги Фармони тақдирини ўтказилди.
Брифинг қатнашчиларига ушбу қабул қилинган ҳужжатнинг асосий мақсад ва тамойиллари ҳамда Тадбирлар дастурида кўзда ту-

тилган аниқ чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакат жиноий қонунчилиги ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар билан яқиндан танишди.
Тадбир иштирокчилари ушбу Фармон ва Тадбирлар дастурини юксак баҳолаб, Давлат раҳбарининг Инсон ҳуқуқлари тўғриси-

даги халқаро қонун лойиҳаси тарқибий қисмларидан бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси юбилейини нишонлаш борасидаги ташаббуси фойда муҳим ва ўринли эканига эътибор қаратди.
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари уринбосари К.Канг хоним "Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган Фармон ва тадбирлар дастури

жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш, республикада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни қўллаб-қувватлаш доирасидаги муҳим қадамдир", дея алоҳида таъкидлади.
У Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий мақсадларини амалга оширишда БМТ саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш бўйича ИХОКБ махсус жамғармасига кўнгилли ба-

БМТ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар масаласи қўмитаси аъзоси М.Э. Абдел-Монеим куйдагиларни баён этди: "Ўзбекистон — БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмиталарига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Президент Фармони ва Тадбирлар дастурини тақдир этиётган дунёдаги илк мамлакатдир. Юртингиз ушбу халқаро ҳужжат юбилей байрамини нишонлашда ўз зиммасидаги мажбуриятларни амалда бажаришни фойда юксак даражадаги намунасини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Ислоом цивилизацияси қадриятларига амал қилиш билан бир қаторда Инсон

ҳуқуқларини етарли даражада таъминлашга ҳам катта эътибор билан қаратмоқда. Бу эса бошқа давлатлар учун ўрнак бўлмоғи лозим.

Фармон ва Тадбирлар дастури қабул қилинган мамлакатингиз ҳуқуқати инсон ҳуқуқларининг таъминлини, ҳурмат қилиниши ва ҳимоя этилиши тарафдори эканидан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу муҳим ташаббуси шахсан менда алоҳида мамнуният уйғотди. Юртингизда бошланган эзу ишлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишига ва қўллаб-қувватланишига лойиқ деб биламан".

Жаҳон АА, Женева шаҳри

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА БМТНИНГ ЯНГИ ДОНОР-ДАВЛАТИ

Жараён

САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИ

судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқини таъминлашдаги муҳим мезондир

Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Қонун кучга кирди.

Қамоққа олишга судлар томонидан санкция берилиши ҳамда унинг муддатини узайтириши белгиланган судьялар зиммасига катта масъулият юклатди ҳамда айбланувчининг асоссиз равишда қамоққа олиниши бартараф қилади. Жиноят процессуал кодексда белгиланишича, (эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарихида жазо назарда тутилган жиноятларга доир ҳамда) эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади. Шунингдек, айрим алоҳида ҳолларда ҳам беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланиши мумкин.

Эҳтиёт чорасини қўллашда жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш мавжудлигини эътиборга олиб, терговчининг қамоққа олиш тарихидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги судга киритилган илтимосномани қўнигили ва асослиги прокурор назорати орқали таъминланади. Прокурор илтимоснома билан танишиб чиқиб, суриштирувчи ва терговчига бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида кўрсатма бериш ҳуқуқига ҳам эга. Суд томонидан илтимосномани қўриб чиқишда қонунга қарама-қарши ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиш баробарида мамлакатимизда қонун устиворлигини таъминлайди.

батан қидирув эълон қилинган бўлса, унинг иштироки-сиз илтимоснома қўриб чиқилиши мумкин.

Яна бир процессуал кафолат ушлаб туришнинг 72 соатлик қатъий муддати белгиланганлиги, бу муддат қонуний зарурат туғилганда 48 соатга узайтирилиши мумкин. Ушлаб туриши яна узайтиришга йўл қўйилмайди.

Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни рад этиш тўғрисидаги суд ажримини устидан апелляция тартибиде шикоят қилиш ёки протест қилиш имконияти мавжуд. Шикоят ёки протест ажрим чиқарган суд томонидан юқори инстанция судига юборилади ва у 72 соат ичида ажримни қўриб чиқади.

Гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа сақлаб туриш ва унинг муддатини узайтиришнинг қатъий чегараси белгиланганлиги яна бир муҳим кафолат саналади. Амалдаги қонунда дастлабки терговда айбланувчини қамоққа сақлаб туриш муддати уч ой. Қамоққа сақлаб туриш муддатининг узайтирилиши терговчининг илтимосномасига кўра тегишли прокурорнинг розилиги билан беш, етти, тўққиз ойгача ва алоҳида ҳолларда бир йилгача узайтирилиши мумкин. Муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига тегишлидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиш баробарида мамлакатимизда қонун устиворлигини таъминлайди.

Одил НОРМАҲМАТОВ, Жиноят ишлари бўйича Жарқўрган туман суди раиси

TURON BANK logo and name

Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Қонун кучга кирди.

Чирокчи тумани ахли М.Садиев раҳбарлигидаги "Камрон-дегрес" авто-сервис хусусий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан кўрсатилган хизматлардан мамнун... Қолаверса, мазкур фирмада 15 нафар йигит доимий иш билан банд. Шу тарихи "Камрон-дегрес"нинг изчил фаолияти туфайли яхшигина даромад ортирган Маҳмарежаб ака ўз қорхонасини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ҳаракатида тушади. Шу мақсадда 2004 йилнинг 16 декабрида Чирокчи тумани ҳокимлиги Машина трактор паркидаги қаровсиз жойдан 40 сотих ер майдонини ажратилишини сўраб, ариза билан мурожаат қилади. Туман ҳокими ушбу масалани қўриб чиқишни қўрилиш бўйича ҳоким ўринбосарига топширади ва туман МТП ДАЖ кузатув кенгаши раисига алоқа хати юбориб, хулоса беришини сўрайди.

2005 йил 25 март куни Чирокчи тумани МТП ДАЖ кузатув кенгаши томонидан 5-сонли қарор қабул қилинади. Мазкур қарорда

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банки миллий ва хорижий валюталарда янги омонат турларини таклиф этади.

- Миллий валютадаги омонатлар: 1. "Қалдирғоч". Сақланиш муддати — 3 ой. Омонат бўйича йиллик 29% ҳисобланади. 2. "Бахтли ай". Сақланиш муддати — 5 ой. Омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади. 3. "Тадқим этувчи". Сақланиш муддати — 9 ой. Омонат бўйича йиллик 25% ҳисобланади. 4. "Бахтиёр ёшлик". Сақланиш муддати — 1 йил. Омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади. 5. "Шодлик". Сақланиш муддати — 2 ой. Омонат бўйича йиллик 27% ҳисобланади. 6. "Эхтирон". Сақланиш муддати — 10 ой. Омонат бўйича йиллик 27% ҳисобланади. Хорижий валютадаги омонатлар: 1. "Тадқим этувчи" АҚШ долларлари. ДАТ "Асака" банки сармоянинг сақланиши ва қўлайлигини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Ушбу омонатлардан ташқари банкда миллий ва хорижий валюталарда яна 30 дан ортиқ омонат турлари мавжуд. Сизнинг омонатларингиз: • солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! • маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади! • ағалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда! • миқдори чекланмаган! • маблағлар манбалари декларация қилинмайди!



- 1. Тошкент шаҳар филиали (371) 120-83-14
2. Автотранспорт филиали (371) 120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали (371) 120-84-26
4. Юнусобод филиали (371) 225-16-46
5. Сирғали филиали (371) 258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали (371) 120-84-13
7. Андижон вилояти филиали (3742) 24-40-96
8. Асака филиали (3742) 33-13-69
9. Фарход филиали (3742) 26-62-37
10. Фарғона вилояти филиали (3732) 24-70-83
11. Марғилон филиали (3732) 37-12-37
12. Олтиариқ филиали (3734) 32-10-11
13. Қўқон филиали (3735) 52-61-04
14. Наманган вилояти филиали (3692) 26-94-75
15. Давлатобод филиали (3692) 32-43-68
16. Навоий вилояти филиали (4362) 23-54-32
17. Зарафшон филиали (4365) 73-18-78
18. Бухоро вилояти филиали (3652) 23-71-94
19. Бухоро шаҳар филиали (3652) 24-24-29
20. Самарқанд вилояти филиали (3662) 31-19-97
21. Афросиёб филиали (3662) 34-18-10
22. Қашқадарё вилояти филиали (3752) 21-12-93
23. Сурхондарё вилояти филиали (3762) 770-82-12
24. Қорақалпоғистон филиали (3612) 23-72-47
25. Хоразм вилояти филиали (3622) 26-97-78
26. Сирдарё вилояти филиали (3672) 25-44-03
27. Жиззах вилояти филиали (3722) 26-43-11

ЭЪЛОН! Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси Бойсун тумани давлат нотариал идораси ҳамда Денов тумани 1-сон давлат нотариал идораси бўйича бўлган нотариуслик лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ! Танловда катнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нусخаси; 3. Белгиланган шаклда тўдаришган шахсий варақ; 4. Меҳнат вакилликнинг нотариал таъинланган нусхаси; 5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия; 6. Охирги иш жойидан беришган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасдиқнома; 7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, ақали уч йил мобайнида нотариус лавозимда иш боламасаги таллабдор малака имтиҳонини қайта топширилган ҳақда малака комиссиясининг қарорини кўчириш. Таллабдор ўзининг касбий таъйиришнинг таърифи ва бошқа ҳужжатлари ёқд узарилиш нотариал таъинланган нусхасини тақдим этиши мумкин. Танловда катнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомда вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8376) 22-3-26-43, 22-3-37-69

сида эмас, томонлар келишувиغا мувофиқ умумий нархи 3200 000 сўмлик, 6400 килограмм гуруч маҳсулотини ҳамият омборига топшириш орқали амалга оширилади. Албатта, бу ни тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилади. Уз навбатда Холёр Утаев туман ҳокимининг 2006 йил 4 сентабрдаги Х-993/8-сонли қарорини Маҳмарежаб акага тақдим этади. Очиғи,

ки, Холёр бундай ҳужжатни Маҳмарежаб акага тақдим эта олмайди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Қизик, Чирокчи тумани ҳокими Н.Қаюмов (ҳозирда собиқ) МТП худудида ер майдонини нима учун орадан қарийб ўн тўрт ой ўтган бошқа бир шахс — Холёр Утаевга ажратиб берди? Наҳотки, у бундай ноқонуний хатти-ҳаракат нафақат М.Садиев ва Х.Утаев фаолиятига, балки Чирокчи тумани раванкига ҳам тўқинлик қилишини уйламаган бўлса? Негаки, М.Садиев уч йилдан буюн низоли 0,40 гектар ер майдонда автосалон қурилишини амалга оширолмади. Мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида қабул қилинган қарор туфайли турли идораларда оворай сарсон. Бу тўғрида Чирокчи туманидаги мутасадди шахслар дуррустроқ ўйлаб кўришса, тадбиркорга халал бераётган тўқинликни бартараф этишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

Адлия вазирлиги жамоаси Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси ходими Лола Каримовага отаси Қаримжон ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиноятга жазо муқаррар

Мардлик, ҳалоллик, ор-номус ва бир сўзлик йигитнинг безағи. Бундай фазилат бор йигит йўлдан озмайди, хор-зор бўлмайди. Ўттиз икки ёшни қоралаб қўйган, ёлчтиб бирор жойда ишламаган Шофиркон туманининг Мўғалон қишлоғилик Даврон Раҳматов бу фазилатлардан мосуво бўлганлиги учун тубанлашиб, жиноят кўчасига кириб кетди. Дўсти унинг дастидан жабр чекди.

БИРОВНИКИ БИРОВГА БУЮРМАЙДИ

ёки ўз дўстини алдаган кимса қилмиши

Дўсти деганимиз Фахриддин Ҳасанов кўши Нақош қишлоғидан. Дўстликни қадрлайдиган удабурон тижоратчи. — Хабаринг бор. Қишлоқдан кетганимга ҳам ўн йилдан ошди. Судланганлигимни ҳам биласан. Бирор ишнинг бошини тут олмадим. Ҳали ҳам сўққабошиман. Ёнингга ишга ол. Болағимиз ҳақи-хурмати йўқ дема, — ялинганмаму суз коти, ишлари юримидай Тошкент шаҳридан Бухорога қайтиб келган Даврон дўсти Фахриддинга. — Йигит киши ялинчоқ бўлмайди, дўстим. Майли ёнингга олганим бўлсин. Айтиб қўяй, югур-югур, машаққатларига чидасанг, бас. Ишмииз юримидай кетса, сени рози қилиб тураман...

Даврон ховлидан Фахриддинни кўк рангли елим халтадан пул кўтариб чиққанини кўрган эди. У катта тезликда машинани бошқариб, Когон шаҳридаги М.Торобий кўчасига келиб, йўл бўйида тўхтади. Елим халтани очиб кўрди. Катта миқдордаги АҚШ долларлари ва минг сўмлик купюрадаги пулларга кўзи тушди. Яна машинага ўтирди-да, рулни Бухоро шаҳри томон бурди. "Шарқ" автобекатида келиб, тормоз берди. Елим халтани олиб, мижоз кутаётган "Тико" русумли автомашина хайдовчиси олдиға келди. — Бўшимисиз? Автостанцияга олиб борсангиз, — деди.

Кечагина дардим бор — дардкашим йўқ, гаимим бор — гамакшим йўқ, деб юрган Даврон энди қонунчи шодликлар гирдобига гарқ эди. У дўнини сув босса ўрдакка не нам, деб ўйлади, оқ тулпорини гижингайиб наманганлик дўсти Аъзамнинг хонадонига меҳмон бўлиб келди.

Автобуста Тошкент шаҳрига жўнаб кетди. Бу орада Фахриддин Даврондан гумонсираб ички ишлар бўлимига хабар берди. Қўшимча қалитни олиб келиб, машинани очганларида гумон рости бўлиб чиқди... Бу пайтда Даврон



Раҳматов Тошкент шаҳридаги "Корасув-6" даҳасидан ижарага хона олиб, Фахриддиннинг омонатини эмин-эркин санайди. Наҳд юз миң АҚШ долларлари ва юз миң сўм! У қўйналиб юрган кунларини эслар экан, энди бу пуллар билан шохона яшаш мумкинлигини хаёлидан ўтказиб, энтикиб қўйди. — "Олой" бозорига жойлашган валюта алмаштириш шохобчасидан 1500 АҚШ долларини сўмга айланттириб олдим. "Ўзимга 80.000 сўмга оёқ кийимни, 30.000 сўмга шим, 40.000 сўмга қўйлак харид қилдим. Дўкундан 400.000 сўмга "Нокия-72" русумли қўл телефони сотиб олдим. МТС компанияси бош офисига бориб, уяли телефон алоқасига уландим, — деди тергов чоғида Даврон Раҳматов.

Яп-янги кийим-кечак Фахриддиннинг собиқ хайдовчисига ярашиб кетди. Қўлда эса уяли телефон. Энди унинг машина мингисини келиб қолди. Тошкентда шайх азим кўчаларида машинани гижиллатиб елдириб юрса, ёмонми, ўйлади ўзинча у.

Жазирама июль ойи охирида Даврон Сирғали даҳасидаги машина бозорига келди. Шаҳардаги валюта алмаштириш пунктларидан 29 миң АҚШ долларини сўмга айланттириб олди. Ярақлаб турган оқ рангли "Ласетти" русумли машина унинг кўзига оловдай кўринди.

Лукмон КОДИРОВ, Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди раиси, Валижон ЮСУПОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

ИНСОН ва ҚОНУН. Бош муҳаррир: Қўқор НОРҚОБИЛ. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдулхамид Абдураимович, Мустафоев Бўригом Мустафоевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Махмутов Лазизжон Мирзаевич, Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич, Маматов Шоди Сулонович, Матрасулов Давлатназар Раҳимбергенович, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислоҳ Ҳамзаевич. Навбачи: Алимурод ТОҶИЕВ. Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУҲАНАЗАРОВА. Индекс: 646882. «ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва сақланган. А-2 бичимида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-515, Тиражи — 11957. [т] — тижорат мақола. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.30. МАШЎАЛЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-84-50, Факс: 233-65-99. 1 2 3 4 6 7 8 Сотувда эркин нархда